

МАМЛАКАТИМИЗДА 9 МАЙ ИЛК МАРПА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ СИФАТИДА НИШОНЛАНДИ.

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

1999 йил,
5 май, Чоршанба
18 (82)

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан куйдаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартароф қилишда иштирок этган шахслар;

(Давоми 2-бетда).

• Республика прокуратурасида

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИДА

Ислохотлар инсон учун, шу юрт кишилари учун хизмат қилиши керак. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ташаббуси билан ташкил этилган мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йигилиши ана шу руҳда ўтди. Унда Молия, Мехнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари, Республика Маҳалла кўмитаси, Халқ банки, ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ва телекоммуникациялар агентлигининг мутасадди раҳбарлари иштирок этдилар.

Маълумки, Республика прокуратурасининг 1999 йил биринчи ярим йиллик режасига биноан Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом ва «Бололи оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Президент Фармони ижроси текширилган эди. Мазкур мувофиқлаштирувчи кенгашида ана шу текшириш якунлари муҳокама этилди. Текшириш якунлари ҳақида Республика прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи **Х.МАҲМУДОВ** ахборот берди.

Мазрузачининг таъкидлашича, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган ва давлатимиз сиёсатининг муҳим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган меъёрий ҳужжатлар талабларини бажаришда муайян ишлар амалга оширилаётганига қарамай, бу борада жиддий қонунбузилишлар содир этилмоқда.

Кам таъминланган ва кўп болали оилалар ҳамда икки ёшгача болалари бор оналарга тайинланган нафақаларни молиялаштириш, ажратилган маблағларни нақд пул билан таъминлашдаги камчиликлар туфайли аҳолининг муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялашда узиллишлар рўй бермоқда: ўтган йил болали оилаларга нафақа тайинлаш учун республика бўйича ажратилган 17,7 млрд. сўм маблағнинг 16,8 фоизи молиялаштирилмаганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Жумладан, икки ёшгача бўлган болаларни парвариш қилган оналарга 1997 йилда тайинланган нафақалардан 1,9 млрд. сўми 1998 йил довомида молиялаштирилган, 9,2 млн. сўми 1999 йилнинг 3-чорагида тўланган. Биргина Андижон вилоятида 113 млн. сўмлик

нафақа 1999 йилнинг биринчи чорагида молиялаштирилган.

Банк муассасаларида нақд пул бўлмаганлиги сабабли, икки ёшгача бўлган болаларни парвариш учун 1998 йилда Сўрхондарё вилоятида ажратилган маблағнинг 99,1 млн. сўми ўз вақтида тўланмасдан қолган. Самарқанд, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам бундай камчиликларга йўл қўйилган.

Иккинчидан, бу йўналишга ажратилган маблағларнинг мақсадсиз ва ноқонуний сарфланиши ҳам давлатимизнинг ижтимоий сиёсатида катта зарар етказмоқда. Ўтган йили ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан ижтимоий ҳимоя сўраб мурожаат қилинган 168 миңга 421 та ариза рад этилгани ҳолда, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятларида бир неча юзлаб оилаларга ёрдам нафақалари ноқонуний тўланган. Айни пайтда қўллаб-ёрдამга муҳтож оилаларга нафақа тўлаш асоссиз рад этилган. Масалан, Беруний туманидаги Беруний овул фуқаролар йиғинида 25 та оиланинг, Бойсун туманидаги «Кўктепа» кишлоқ фуқаролар йиғинида 639 та кўп болали оиланинг аризаси асоссиз рад этилган. Бундай камчиликларни бошқа вилоятлардан ҳам етарли даражада келтириш мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш идораларининг айрим ноинсоф раҳбарлари, банк ва почта ходимлари томонидан ижтимоий ҳимояга йўналтирилган маблағларни ўзлаштириш хиноятлари содир этилмоқда. Нафақа пулини иш ҳақига, ҳатто идора қурилишига сарфлаш фактлари мавжуд.

Халқ банкнинг Сарийосиё туман бўлими бошқарувчиси Б.Дўсанов 1998 йил сентябрь-октябрь ойларида болали оилаларга тарқатилиши лозим бўлган 34 млн. сўм пулни савдо ташкилотларига ўтказиб берган.

(Давоми 2-бетда).

Мархумлар хотирасини эслаш, эъзозлаш - савоб иш. Шунинг учун ҳам биз кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик.

Ислом КАРИМОВ.



БУ ОЛАМДА



БИР ОЛАМ ГАП

АҚШ конгресси Югославияга қарши олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яна 13 млрд. доллар ажратишни маълум қилди.

Югославия президенти Слободан Милошевич Косово муаммоларини тинч йўл билан ҳал этишга доир ўзининг янги таклифларини АҚШ президенти Билл Клинтонга йўллади.

Лондон марказида юз берган портлашлар натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди. Полиция таҳминларига кўра, ушбу кўпурвчилик ҳаракати «Оқ бурлар» нацист гуруҳи томонидан амалга оширилган.

Детектив
ҲИКОЯ

«ХОТИРИНГ-ДА ЁРДИН...»

Ўтганлар руҳларини шод этиш мақсадида дунёвий ва шарият қонунларида қандай йўл-йўриқлар борлигига бир назар ташлаيлик.

3 бет

«ТОШКЕНТ - ЖАННАТ»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Х.Аҳророванинг истеъдодли рассом акаси ҳақидаги хотиралари.

4-5-6 бетлар

ХУҚУҚШУНОС - ҲАҚИҚАТШУНОС ДЕГАНИ

Кекса ҳуқуқшуноснинг хотираларидан лавқалар

4-5 бетлар

ҚАБРДАН ҚАЙТГАН УМР

Детектив
ҲИКОЯ

8 бет

УШБУ СОҒДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида

(Бошланғичи 1-бета).

б) аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар;
в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;
г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлари;
д) амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари;
е) бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб,
жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия
қўлланиладиган шахслар.

2. Уч йилгача муддатга озоодликдан маҳрум этилган, шунингдек
озоодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга
ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш
йилгача озоодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар
жазодан озоод қилинсин.

3. Биринчи марта олти йилгача муддатга озоодликдан маҳрум
этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир
қисмини ўтаган шахслар жазодан озоод қилинсин.

4. Биринчи марта ўн йилгача муддатга озоодликдан маҳрум
этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтган
шахслар жазодан озоод қилинсин, ушбу Фармоннинг 10-модда-
сида қайд қилинган жиноятларни содир этган маҳкумлар бундан
мустасно.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш
йилдан ортиқ муддатга озоодликдан маҳрум этилган ва тайинланган
жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар
жазодан озоод қилинсин.

6. Озоодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан
ушбу Фармон қабул қилинган кунга қадар, қонунга мувофиқ жа-
зони ўташдан муддатидан илгори шартли озоод қилиш ёки жазо-
ни энгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳ-
кумлар озоод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озоодликдан маҳрум этилган ва белги-
ланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар ман-
зил-колонияларга ўтказилсин.

8. Мазкур Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар
томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий
хавфи катта бўлмаган ҳолда озоодликдан маҳрум қилишга нисба-
тан энгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан
олиб берилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар
ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан жазодан озоод қилинмайдиган
шахсларнинг жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича
қисқартрилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга
озоодликдан маҳрум қилинганларга - учдан бир қисмга, эҳтиёт-
сизлик оқибатида жиноят содир этганларга - ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ
муддатга озоодликдан маҳрум қилинганларга тўртдан бир қисмга.

10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150-163,
216, 216-1, 216-2, 244-1-моддаларида, 246-моддаси 2-қисмида,
247-моддаси 2, 3-қисмида, 248-моддаси 2, 3-қисмида, 270-
моддаси 3-қисмида, 271-моддаси 3-қисмида, 272-273-модда-
ларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга, ўта
оғир жиноятлар учун судланганларга, ўта хавфли рецидивист
деб топилганларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёки унинг манфаат-
ларини қўлаб, ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир
этган шахсларга Фармоннинг 1-3, 6, 8-моддалари қўлланилмасин.
(Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 4-
қисми «а,в» бандлари билан судланганлар, Ўзбекистон
Республикаси Жиноят кодексининг 272-273-моддаларида
кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари,
шунингдек биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 150-163, 216,
216-1, 216-2, 242, 244-1-моддаларида, 247-моддаси 2, 3-қис-
мида, 248-моддаси 2-3-қисмида кўзда тутилган жиноят-
ларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур Фармоннинг 9-
моддаси қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга,
шунингдек, илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг
қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу Фармон татбиқ
этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга қиради
ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 30 апрель

(Бошланғичи 1-бета).

Чирчиқ шаҳар ижтимоий таъ-
минот бўлимининг катта инспек-
тори Ж.Киргетова шаҳар алоқа
бўлимининг почталёни Е.Чеба-
кова билан жиноий тил бирикти-
риб, ҳужжатларни сохталашти-
риш йўли билан 1997-1998 йил-
ларда 2,1 млн. сўмлик пенсия ва
нафақа пулларини ўзлаштириб
юборган. Бу масаладаги қон-
унбузарликлар юзасидан аниқ-
ланган барча ҳолатлар бўйича
1998 йил ва 1999 йилнинг 1-чо-
рагида 331 та жиноят иши қўзга-
тилиб, уларнинг 251 таси айбон
хулосаси билан судларга юбо-
рилган. Қолганлари бўйича тер-
гов ҳаракатлари давом этмоқда.

**Мувофиқлаштирувчи кен-
гашда қатнашган тегишли ва-**



**зирликлар ва идораларнинг
раҳбарлари таъкидлаб ўтилган
қонунбузарликлар ва камчи-
ликлар юзасидан тушунтириш-
лар беришди. Ижтимоий муҳо-
фазани қонун талаблари дара-
жасида йўлга қўйиш учун ку-
чларни бирлаштириш ҳақида
қимматли таклиф-мулоҳазалар
билдирилди:**

**Ж.Кўқоров,
Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирининг ўринбосари:**

- Қанчалик очик бўлмасин,
жуда тўғри, адолатли танқидий
гаплар айтилди. Уларни таҳлил
қиладиган бўлсак, фаолияти-
мизда изчиллик етиштирилгани
сён бўлади. Бир идора, масалан,
Молия вазирлиги кам таъмин-
ланган ва кўп фарзандли оила-
ларга ажратилган маблағларни
молиялаштириш, деб ишнинг
давomini тўхтаб қўйганмиш. Шу
маблаг жойига етиб бормиди,
йўқми, деб қизиқиб кўришимиз
керак эди. Биз бу камчиликларни
туғатиш чораларини кўрдик. На-
фақа учун ажратилган маблағ-
ларни молиялаштириш ҳозир
яшилди. Лекин муаммолар ҳам
етарли: кўпгина вазирликлар ва
масъул идоралар моно шу муҳим
ижтимоий соҳани молиялашти-
риш учун ўз вақтида тегишли
маблагларни ўтказиб бериш-
майдди. Шунинг учун 1999 йилдан
ижтимоий соҳага ажратилган
мблағларни молиялаштирмай
туриб, бошқа соҳани молия-
лаштиришдан бўлди. Утган
тўрт ойнинг якунлари биз тўғри
йўл тутганимизни кўрсатмоқда.
Лекин афсуски, маблаглар жой-
га етиб бормади ҳоллари
давом этмоқда. Халқ банки, ўзини
ўзи бошқариш идорлари ёрдам
берсин. Янги йилдан икки ёшгача
фарзанди бор оналарга нафақа
тўлаш маҳалла кўмитаси идора-
ларига берилган. Лекин уларнинг
ишини йўлга солиб олиш қийин
кечмоқда.

**И.Юнусов,
Республика Халқ банки
бошқаруви раиси:**

- Нафақаларни нақд пул
билан таъминлаш масаласи
қийин кечмоқда. Шу масалада
тегишли идоралар бизга ёрдам
берилса... Халқ банки ва унинг
жойлардаги идоралари фоа-
лиятини яхшилаш чораларини кўр-
моқдамиз. Ўзимизда юридик
хизмат бошқармасини туздик.
Софларимизни ноинсоф ходим-
лардан тозалаб бориш учун ҳам-
ма ишни қиялмай. Утган йили
ишда жиддий камчиликларга йўл
қўйган 16 та Халқ банкининг
тўман бўлими бошқарувчиларини

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИДА

ишдан олди.

Халқ банки ҳўжалик ҳисобида
ишлади. Ҳатто, масалан, икки
ёшгача фарзанди бор оналарга
янги тартибда маҳалла кўмита-
лари орқали нафақа тўлашда
ишлатиладиган бланкалар учун
маблаг ҳам бюджетдан эмас, ўз
ҳисобимиздан қопланади.

рузада айтилган Чирчиқ шаҳри-
даги қонунбузарлик ана шу
муддат орасида рўй берган. Нақд
пул йўқлиги учун ҳозир айрим
жойларда нафақа пулларини
маҳсулотлар, эҳтиёж моллари
билан узиш одати пайдо бўл-
моқда. Бунинг олдини олиш керак.
Яна бир иллат пайдо бўлди:



**Ш.Жалилов,
Республика «Маҳалла»
кўмитаси раиси:**

- Жойлардаги маҳалла идора-
лари раҳбарларини муносиб
кадрлар билан алмаштириш мақ-
садида аттестация ўтказиб, 50-
52 фоиз маҳалла оқсоқоллари
алмаштирилди. Қаранг, баъзи
жойларда ҳатто судланган киши-
лар маҳаллага раислик қилиб
юришган экан. Баъзи жойларда
маҳаллақўмлар ҳокимларга юр-
даклик қилиб юришганини ҳам
кўрдик. Шунинг учун уларнинг
маलाкасини ошириш мақсадида
Тошкентда «Маҳалла зейнори»
ўқув марказини ташкил этдик.

Ҳамкорлик ҳақида бу ерда
яхши гаплар бўлди. Лекин, афсус-
ки, бирон-бир молия, банк ходи-
ми, ҳуқуқ идоралари ходимлари-
нинг маҳалла аҳли билан ўра-
шувлари ҳақида кўлимизда факт
йўқ. Қани эди ҳозир айтилган
танқидий гаплар ўша жойда
айтилса. Ҳатто жиноят қилган,
бева-бечора, етим-есирларнинг
нафақасига кўз олайтирган ай-
рим маҳалла оқсоқоллари,
банк ходимларини маҳалланинг
ўзида суд қилинса, гоят ибратли
йи бўларди.

Прокуратура, молия ва банк
ҳодимлари ўқув машғулотла-
римизда катнашсалар, маҳалла-
қўмларнинг саводхонлигини оши-
ришга нафи тегади.

**А.Ахбаров,
Меҳнат вазирининг 1-ўринбосари:**

- Жуда долзарб масалани
муҳокама қиялмай. Чунки ижти-
моий ҳимоя механизми яхши
ишласа, ажратилган маблаглар
жойига етиб борса, халқнинг
ислохотларга ишончи яна ҳам
мустаҳкамланади. Айтилган кам-
чиликларда Меҳнат вазирлиги
мутасаддиларининг ҳам айби
бор: жойлардаги маҳаллаларга
бириктирилган инспекторлари-
миз яхши ишламапти.

Ҳозирги айтилган яхши таклиф-
ларга яна битта қўшимча бор:
кам таъминланган оилани боқи-
мондлик қайфиятидан халос
этиш пайти келди. Республикаимиз
бўйича 570 минг атрофида ишсиз
бор. Лекин шуларнинг 55 минг
ишсизлик мақоми билан рўйхат-
дан ўтган. Утган йили ҳам шундай,
бу йил ҳам шундай. Нима учун
шу «ишсизлар» ҳаракатга кел-
майдими?

**Р.Забихўжаев, Ижтимоий
таъминот вазирлиги Пенсия
хизматини ташкиллаштириш бош
бошқармаси бошлиги:**

- Тафтиш учун бизда маблаг
йўқлиги учун ҳар икки йилда бир
морта тафтиш ўтказамиз. Маъ-

Пенсияга чиқувчиларга корхона-
ташкилотлардан берилаётган
ёғон маълумотлар икки баравар
кўпайди. Бунинг тўхтатиш керак.

**К.Тулябоев,
«Ўзбекистон почтаси» давлат
акционерлик корхонаси бош
директорининг 1-ўринбосари:**

- Аттестация ўтказиб, талабга
жавоб бермаган 57 та почта
корхонаси раҳбарини ишдан ол-
дик. Сафларимизни тозалаб бор-
ялмай.

Банклордан ўз вақтида етарли
пул ололмаймиз. Бўйсан аввалги
ой ёки чоракнинг нафақаларини
кейинги ойда қўшиб беришда
бу пул тарқатувчиларга қийин-
чиликлар туғдирмоқда.

**- Ижтимоий муҳофаза муста-
қилликнинг илк давридаёқ исло-
хотларнинг муҳим тамойили си-
фатида давлатнинг сиёсатининг
асосий ҳусусиятларини ўзида
муҳасамлаштирган эди, - деди
мажлиса ақун эсар экан Рес-
публика Бош прокурорининг
ўринбосари, 3-даражали давлат
адлими маслаҳатчиси Бурхон Бек-
миров.** - Президентимизнинг
**Олий Мажлисининг 14-сессияси-
даги маърузасида белгилаб
берилган беш устувор йўна-
лишнинг бири сифатида аҳоли-
нинг, айниқса, кам таъминлан-
ган оилаларнинг ижтимоий му-
ҳофазасига доир ишлар, бу со-
ҳада бизга юклаган вазифалар
бундан кейин ҳам долзарб
бўлиб қолаверади. Шунинг учун
давлатимизга ва халқимизга
сиқидилдан хизмат қилиш
ниятида булган ҳар бир масъул
раҳбар ижтимоий муҳофаза
сиёсатини рўйбга чиқариш учун
виждонан меҳнат қилсин. Ўзи-
миз ишлаётган тармоқда шун-
дай муҳтими вужудга келтириш
учун ҳамма чораларни кўрай-
лик.**

**Мувофиқлаштирувчи кенгаш
муҳокама этилган масала юза-
сида тегишли қарор қабул
қилди.**

**Мазкур идораларнинг раҳ-
барлари этилган муаммоларни
ўз вақтида биргалла муҳока-
ма қилиб, нафақа таъминотини
ислохотлар талаблари даража-
сига кўтариш ҳақида келишиб
олдилар.**

А.АБДУХОЛИҚОВ.

Суратларда: Кенгаш
йигилишидан лавҳалар.

А.МАМАТКУЛОВ
суратлари.

• Яхши қилар моҳияти

«ХОТИРИНГДА ЁРДИН...»

«Уруш қурбонсиз бўлмайди», дейди кексаларимиз. Бу ҳақ гап. Иккинчи жаҳон урушида ва олоҳида оладиган бўлсақ собиқ СССР билан Германия ўртасидаги жангларда ётиси қургон кишиларнинг аниқ сони ёлғиз Аллоҳга аён. Ва ўша ўн гулдан бир гули очилмай шахид кетганларнинг ичиде Ўзбекистоннинг ҳам қанчадан қанча фарзандлари бор эди. Ушунда улар давр тақозосига кўра Ватан деб, халқ деб ўқларга кўксини қалқон қилгандилар. Замона зайли билан оқ оққа, қора қоратга ажралди. Аммо ҳеч ким бизга ўша қонли тўқнашувларда халқ бўлганларни хотирломасликка, майиб-мажрўх бўлиб тирик қолганларнинг кўнглини турли майда гаплар билан қўқтиришга мазънавий ҳуқуқ бермайди.

Шу сабабдан ўтмишдаги айблар, хатоликларни титқилоб ўтирмадан жангу жодалларда шахид кетганлар ва умуман ёшини яшоб, ошини ошаб бу дунёдан ўтганларнинг, қариндош урғуларнинг, бўвалар ва момолар, оталар ва оналарнинг руҳларини шод этиш мақсадида дунёвий қонулар ва шарият қонулариде қандай йўл-йўриқлар, кўрсатмалар берилгани бир назор ташлаулик. Буни амалга ошириш учун биринчи навбатда хотиранинг нималигини аниқлаб олишимиз лозим. Аллоҳ таолонинг инсонларга ото этган буюқ неъматларидан биттаси қуввони хофиза, яъни эслаб қолиш қобилиятидир. Шу неъмат шорофотидан кишининг кўрган кечирганлари, ҳис этган ва эшитганлари миясининг маълум бир қисмида худди магнитфон тасмасига ёзилгандек муҳрланиб қолади. Ана шу муҳрланиб қолган норсаларнинг барчаси хотирани ташкил этади. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам хотирада бир хилда муҳрланиб қолиши тудайли киши баъзан ёмон қонуларини эслаб эзилса, бошқа пайтда яхши қунларини ёдга олиб, дили равшанлашади. Шарият қонуларига кўра, мўмин банда биринчи навбатда Аллоҳни, яъни ўзининг Яратувчисини хотирлаши, ёдга тутиши лозим. Зеро, «(Ер) юзидеги барча жонзод фойидир. Буюқлик ва қарам соҳиб бўлиш Парвардигорингизнинг юзи - Узинга боқий мангу қолур. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз». [55:26-28]

Ҳамюртимиз Имом Мухаммад бил Исо Термизийнинг «Саҳих ал-Термизий» асариде бир ҳадисни ўқиб қолдим. Унда шундай дейилган экан: «Жобир (р.а.)нинг хобар беришича, у Пайгамборимиз Мухаммад саллоллоху алайҳи вассаломнинг шундай деганларини эшитган экан: «Аллоҳни ёдга олишинг энг яхши йўли «Ло илоҳа иллоллоҳ», демакдур. Ва Аллоҳга қилинодиган энг яхши илтижо «Алхамдулиллоҳ», демакдир». (Жоми ал-Термизий)

Имом ал-Бухорийнинг келтиришича, Абу Мусо ал-Ашърий (р.а.) Пайгамборимизнинг шундай деганларини эшитган экан: «Аллоҳни доимо ёд этиб юрадиган банда билан Аллоҳни ёд этмайдиган банда ўртасидаги тафовут мисоли худди тирик киши билан ўлик киши ўртасидаги тафовут мисоли қабдур. Аллоҳ ёд этиладиган уй билан Аллоҳ эсга олинмайдиган уй ўрта-

Ўзбекистон Президентининг Фармони билан 9 майни «Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилингани айни кўнглидаги иш бўлди. Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши тугагандан бери бу кун собиқ Шўролар Иттифоқининг Германия фашизм устидан ғалаба қозонган куни сифатида байрам қилинар эди. Бу ҳол эса кейинги вақтларда жаҳонда юз берган муҳим ўзгаришлар натижасида аллақандай эриш ҳолга ўхшаб қолганди. Зеро, Шўролар Иттифоқининг тарқалиб кетганига тахминан ўн йилча бўлиб қолган бўлса, иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятдан кейин ГФР ва ГДР номли икки давлатга ажралиб кетган Германиянинг қайта биришиб, ҳамнафас умргузаронлик қилаётганлигига ҳам қарийб шунча вақт бўлиб қолди-да.

сидеги фарқ ҳам худди тирик киши билан ўлик киши ўртасидаги фарқ сингориридур. (Имом ал-Бухорий). Аллоҳни ёд этиш, хотирлаш сўфиёна адабиётнинг ўқ илдизларидан биридир. Маълумки, сўфизмда Аллоҳ ёр, деб қуланади. Ҳазрат Навоийнинг қуйидаги мисраларига эътибор беринг:

*«Чарх агар селса широк юз йил
висолиғдан мени,
Ойшра олғайму бир соат хай-
лиғдан мени».*

Ёки ушбу мисраларга назор солинг:

*«Эй Навоий, гир насибингдур
абад умри, керак
Хотирингда ёрдин ўзга тамани
бўлмаса».*

Аллоҳ таолодан кейин ота-оналарни ёд этиш мўмин бандалар зиммасига бурч қилиб юклатилган. Зеро, юқориде мисол қилиб келтирилган Куръон сўрада айтилгандек, бу «дунёда барча нарсалар фонийдур», яъни бу фоний дунёга қадам ранжида қилган ҳар бир жон албатта, ўлим шаробидан тотажақдир. «Ҳар бир жон ўлим (шарбатини) тотғувдир. Сўнгра ўзимизга қайтарилурсизлар». [29:57] Шундоқ экан, ота-онанинг ўлими болалар учун меросдир, зеро, дарвешларнинг «отаси ўлганан ким бор, онаси ўлганан ким бор», деб қўлаб юришлари ҳам бежиз бу дунёни тарқ этган ота-оналар, бува-момолар ёки юқориде айтиб ўтганимиздек, киргинбаротларда қурбон бўлганларнинг руҳини шод этиш, хотирлаш ҳусусида шарияти Исломиёда қандай кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилганини кўриб қийайлик. Пайгамборимиз Мухаммад саллоллоху алайҳи вассалом қабристонларни зиёрат қилганлариде шундай дер эканлар: «Эй мўминлар ва мусулмонлар, қабристон аҳли, сизларга салом бўлсин. Худо хоҳласса, бизлар ҳам келиб сизларга қўшиларимиз. Узинизга ва сизларга Аллоҳдан офият ва тинчлик тилайман». Бу ҳадисни саҳоба Бурйда ривоят қилган. Ҳар бир мусулмон ота-онанинг қабрини сулуриб-сидириб, қабр устига ва атрофига турли кўкатлар экиб қўйса, нур устига нур бўларкан. Куръон ва Ҳадисдан хабардор нуруний кексаларимизнинг айтишича, Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи вассалом қабрлар устини ганч қилишдан, устига тош бостириб, тошга Куръон оятларини ёздирдан, қабрни босишдан яъни уни оёкоти қилишдан қайтарган эканлар. Саҳоба Жобир (р.а.) ҳам шу тўғрида хабар беради. Бундоқ ўйлаб қўрилса, бунда катта хикमत борлиги аён бўлади, зеро, замонлар ўтиб, бу қабристонлар текисланиб кетиши, Куръон оятлари ёзилган қабрлардан оёкоти бўлиши мумкин. Шунда бу тошларга оятларни ёзганлар ҳам, ёздирганлар ҳам ўзалари қилимаган ҳолда гуноҳкор бўлиб қолишлари мумкин. Қабрларга мрамартошлар қўйиш, уларга

вафот этган кишининг суратини тушириш ҳусусида эса Куръони қаримда ҳам, ҳадисларда ҳам биронта кўрсатма тополмадик, демак бу Исломга ёт нарса. Тонгла мажарда, яъни қиямат куни ҳар бир жон ўзи қилган амали учун жаза ёки мукофот олади. Бу қунда ото бола учун ёки бола ота учун жавоб бермайди ва ҳеч кимга зулм қилинмайди. Аммо дўппини ерга қўйиб, мундоқ қучурроқ ўйлаб қўрилса, Куръони Қарим оятларининг теран маъносини англаб этиш мумкин, зеро болалар ота-аналарга Аллоҳ томонидан мукофот сифатида берилади. Воёга етнурларига ота-аналар болаларига раҳбардурлар. Пайгамборимизнинг қўлгина ҳадисларида ота-аналарни ҳурмат қилиш фарзандларнинг бурчи эканлиги ҳусусида сўз юритилган. Ўйил фарзанд ота ўтирган уйнинг томига чиқишга ҳаққи йўқлиги дейсизми, ёки фарзандларнинг биринчи навбатда онага яхшилик қилиши лозимлиги дейсизми, буларнинг барчасини битта мақолада тасвирлаш у ёқда турсин, ҳатто бирма-бир санаб қийиб ҳам бўлмайди. Куръони Қаримнинг «Ал-Исро» сураси, 23-24 оятларида ҳам мусулмонлар ота-оналарини умр бўйи иззат-ҳурмат қилишлари ва улар вафот этганларидан сўнг хотирлаб туришлари лозимлиги буюрилган: «Парвардигорингиз ёлғиз Унинг ўзига ибодат қилишларингизини ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизини амр этади. Агар уларнинг бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остидаге кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» торتما ва уларнинг (сўзларини) қайтарма. Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут - ҳоқисор бўл ва: «Парвардигорим, (ўлар) мени гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил)». Менинг фикри оҳижимча, бундан чиқадиган маъно шундай: ҳар бир фарзанд дорулфанодан дорулбақога рихлат қилган ота-онани, қариндош-уруғлари, шахид кетганларнинг руҳларини шод этиб туриши, яъни ҳақларига дуо қилиб туриши шарт. Аммо бундан ҳозирги пайтларда одат тусига кириб қолган йилрима оши ёки йил оши қилиш мажбурий, деган маъно қиймади. Бундай тадбирларни қилиш ёки қилмаслик ҳар кимнинг ўз иши, аммо бу тадбирларнинг замирида қандай маъно ётганини ҳар ким тўри тушуниб этиши лозим. Куръони Қаримда ҳам, ҳадисларда ҳам «Аллоҳга шукр келтириш, гуноҳи қабирлардан сақланиш, намоз ўқинг, рўза тутинг, закоти беринг, етимларга, мискин бева-бечораларга, мусофирларга, но'чор ҳолда қолганларга таом беринг, ҳожатини қийринг, зеро бундай бандоларнинг дуоси ижобат бўлади», деган кўрсатмалар бор. Ота-онанинг ёки шахид кетганларнинг руҳини шод қилмоқчи

бўлган биродарларимиз мана шу кўрсатмаларга амал қилиши жоиздир, аммо «қўшини онасининг йигирмасига қўй сўйди, мен ҳўкиз сўяман ёки отасининг йил ошинига юз кило гурчдан ош дамлаттирди, мен ўз элик қилдан дамлаттирмаман», деб мутақаббирлик қилган гуноҳкор ўзлари билмаган ҳолда гуноҳкор бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас, зеро шайтон ҳам қибру ҳово қилгани учун Аллоҳнинг даргоҳидан қувилгандир. Савоб ишлар қилмоқчи бўлган биродарлар шундай ишлар қилишлари лозимки, уларнинг ўнг қўли қилган ишни чап қўли билмай қолсин. Ҳазрат Навоий бу ҳақда шундай ғўзал мисраларни битган экан:

*«Кимки бир кўнгли бузуғинг
хотиринг шод айлағай,
Онча борқим, Каъба ваирон
бўлса обод айлағай».*

Дунёнинг ишлари шунчалар қийин, шунчалар сержумбоқки, ўйлаган сайин ўйларинг қувалиб кетаверади. «Исро» сурасининг юқориде мисол қилиб келтирилган оятларидан кўриниб турибдики, бандалар биринчи навбатда Аллоҳга ибодат қилишлари ва иккинчи навбатда Ота-онага яхшилик қилишлари лозим. Менимча, ҳар киши ота-онасига бу дунёий ҳаётда яхшилик қилиши шартдир, зеро улар вафот этган, қабрлари устига сорой қурдирганигиздан не фойда. Дорулбақога сафар қилганларга фақат дуои фотиҳа, яхши сўзлар билан хотирланганингиз асқотиши мумкин, ҳолос. Утганларни хотирлаш, қабристонларни зиёрат қилиш ҳусусида саҳоба Абу Ҳурайра Пайгамборимиздан шундай ривоят қилди: «Расулуллоҳ бир куни бир қабр қошида узок вақт қолди, Аллоҳга муножат қилдилар, сўнгра йилгадидур, чунки бу қабр пайгамборимиз онасининг қабри эди. Атрофдагилар ҳам Расулуллоҳга қўшилиб йилгадидур. Кейин Пайгамборимиз айтдилар: «Парвардигоримдан онамининг гуноҳини мағфират қилишини сўрадим. Менга руҳсат қилинмади. Қабрини зиёрат қилишнинг руҳсат берилди. Бундан кейин қабрларни зиёрат қилверинглар, чунки бу иши ўлимни ёдларинга солиб туради».

Буюқ сўфий Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги мисраларига эътибор беринг:

*«Бешак билсанг бу дунё барча
злдан ўтаро,
Инопамағл молингга, бир кун
қўлдан кетаро.
Ота-она, қариндош қаён
кетти, фикр қил,
Тўрт оёғинг қўбин от бир кун
сенга етаро.
Дунё учун гап ема, Ҳақдан
ўзгани дема,
Кизи молини ема, сирот узра
тутаро.
Аҳи аёл, қариндош - ҳеч ким
бўлмайдур ўлдош,
Мардона бўз, гариб бош, умринг
едек ўтаро».*

Нуруний кексаларимизнинг таълим беришича, динда ҳам, шариятда ҳам, дунёий ҳаётда ҳам, умуман ҳамма ерда меъёр бўлиши лозим, ақс ҳолда қилинаётган яхши амал одамларнинг кўзига ёмон кўриниб қолиши мумкин. Баъзан намозда ёки дуои фотиҳаларда домла билан биронта оятни ўқиган, қалп-қатта кишиларнинг баланд овоз билан «Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар», деб қичқир-ишларининг гувоҳи бўлиб қолмаси. Аслида қилиноётган иш яхши,

кимнингдир руҳини шод этиш учун дуоий фотиҳа ўқилмоқда, аммо баягидек қичқир-ишлар ўртага қандайдир ноҳушлик, номутаносилик солиб қўяди. Мен ўзимча ешу иш тўғри бўлмаса керак», деб ўйлаб юрардим, яқинда шу фарзанининг тўғрилигини исботлайдиган бир ҳадис ўқиб қолдим. Хуросоннинг Нишопур шаҳрида товалуд топан машхур муҳаддис, ҳижратдан кейинги 202-261 йилларда яшоб, ижод қилган Имом Муслим бин ал-Хажожнинг «Саҳихи Муслим» номли китобида қуйидаги ҳадис бор экан: Абу Мусо (р.а.) ривоят қилди: Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи вассалом билан биру сафарда бўлганимизда одамлар тўстадан: «Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар», деб қичқира бошлади. Шунда Расулуллоҳ уларга қарата дедилар: «Эй одамлар! Ўзларингга маълум бир меъёрни ўзлаштириб олинглар. Аҳир сизлар қуломи тон битган ёки бир ердан анча олисда бўлган зотга мурожаат қилётганларнинг йўқ-ку. Аҳир сизлар Биру Борга, Ас-Самийга, яъни Энг эшиттувчига ҳамда ҳар жойда ҳозирга нозир бўлган Зотга мурожаат қилаёт-сизлар-ку. Ул Зот ҳозир ҳам сизнинг ёнингиздадир». (Имом Муслим)

Баъзан қизиқсиниб дунёвий қонуларимизни шарият қонуларига, Куръони қарим ва ҳадислардаги кўрсатмаларга солиштириб кўраман. Ва республикамиз раҳбарияти чиқарган қонулар, қабул қилган қарорларнинг қўнглини Кўрўон оятларига, ҳадислардаги кўрсатмаларга қарийб мутаносиб эканлигини кўриб ҳайратга тушаман. Оила кодексидеги ота-оналар ҳамда бандоларнинг ўзаро бурчлари ҳусусидаги моддалар дейсизми, Конституциямиздаги қатор моддалар дейсизми, барчаси мос келсади. Ҳаёлга толаман. Исломи динининг, умуман динларнинг нозил қилинишидан мақсад нима бўлган ўзи? Одамларни бир-бирига меҳр-муҳаббатли қилиш, Ҳақни танитиш, ер юзиде тинчликни барпо этиш... Мустақил юртимизда қийринган қонулар, қабул қилган қарорлардан мақсад нима? Буни энди ҳурматли Президентимизнинг гаплари билан айтадиган бўлсақ, «юртимиз тинч бўлсин, халқимиз фаровон ҳоёт кечирсин, фарзандларимиз қомил инсонлар бўлиб етишсин, биздан овоз ва обод Ватан қолсин». Ёки бўлмаса 9 майнинг Хотира ва Қадрлаш куни, деб эълон қилинганлигини олайлик. Бу ҳол биринчиде, ўтганларнинг руҳини шод этиш мақсадида қилинган бўлса, иккинчидан, фарзандларимизни ота-онага нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш руҳида тарбиялаш мақсадида қилингандир.

Шуларни ёзарканман, кўнглимдан турли хаёллар кечади. Ўзбекистанда Ислам Республикаси урнатилса, деб айюханнос солиб, лакалак уриб юртларга қарата ҳайқиргим келсади: Сизлар биринчи навбатда Исломининг нима эканлигини аниқ тушуниб олинглар. Куръони қаримни, ҳадиси шарифларни Исломи сўфизмини, яъни тасаввуфни фикх китобларини ўрганиб чиқинглар. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва барча кодексларни мос шаръий китобларга солиштириб кўринглар. «Ва биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган ва ҳеч қимдан овоз қабул қилинмайдиган, оқлов фойда бермайдиган ва ҳеч кимга ёрдам ҳам берилмайдиган қундан кўркинлар!» (2:123)

Йўлдош ПАРДА,
Хуқуқий маърифат тарғиботи
Маркази муҳаррири.

таминов Раззоққа, Сталинни ҳақорат қилган, Файзулло Хўжаевнинг дўсти, деб тўхмат уюштиришди. 1937 йил кечқурун у кишини олиб кетишди. Суд ҳам бўлгани йўқ, айби ниҳадан иборат бўлганлигини ҳам ҳозирча ҳеч ким билмайди. 1939-40 йилларда онамининг номидан Сталинга ариза ёзганман, жавоби ҳам келди, текшираман деб. Афсуски, уруш бошланиб кетганлиги сабабли бу иш билан ҳеч ким қизиқмай қолди.

Қишлоқларда очарчилик, халқ оч-яланғоч бўлсада, урушга ёрдам учун ҳар қуни колхоз раҳбарлари колхозчилардан нарса тўплар эдилар. Халқимиз шундай эдики, бола-чақаси билан оч-яланғоч бўлса ҳам, бор нарсаларини урушда Ватан ҳимояси учун жанг қилаётганлардан аямасди. Шунингга ҳайрон бўласан киши, уруш даврида халқ учун қанчалик қийин бўлган бўлсада, давлат мулкига хиёнат қилиш, кишиларнинг шахсий мулкини ўғирлаш каби ҳодисаларни эшитмас эдик.

Очликдан ўлиб қолган одамлар ўша вақтда кам эмасди. Лекин шундай бўлсада, колхозчилар оғир меҳнат қилар, ҳамма ишни механизациясиз, қўл кучи билан бажарарди. Инсоф, диёнат, меҳр-муҳаббат ва ҳалол меҳнат инсонларни бирлаштириб турарди.

1944 йил июл ойларида мени армия сафига юбордилар.

Дўстлар билан Қозғонистондаги бир ҳарбий қисмга бордик. Тезкор ҳарбий машқлар бошланди. Икки ойдан кейин саводи борларни алоҳида ҳунар ўргатиш учун ҳарбий мактабга олди. Мени алоҳа разведкасига 76 мм. ли пушқаларни ва бошқа ҳарбий техникаларни ўргатиш учун ўқита бошлади. 6 ойлик ўқишдан кейин сержант унвони бериб, кичик командир қилиб

тайинлашди. Кўп ўтмай, анчагина аскарларни ажратиб, бизларни Украинадаги иккинчи фронтга юборишди. Анчадан кейин менга Олмати шаҳридаги команда ҳисобида аскарлар учун сақланадиган маҳсулот ва қуролларни кўриклаш вазифаси юклатилди. Шу жойда бир неча маротаба маҳсулотни Москва ва Ленинград шаҳарларига поездда олиб боришда қатнашдим. Кейинчалик бизларни яна иккинчи Украина фронтга юборишди. Уруш тугади, 1946 йилга қадар хизмат вазифасини бажариб, кейин армиядан қайтиб келдим. Онам, олам, укамлар ҳамда мен кетган вақтдаги қариндош-уруғлар соғсаломат экан. Уларни кўриб, халдан зиёд хурсанд бўлдим.

Ишга кириш тараддудини кўрмоқчи эдим. Туманимиз халқ судининг раиси Мухторов, сиз судга ишга келинг, деб мени суд секретарилигига ишга қабул қилди. Кейинчалик шу судда ижрочи бўлиб ишладим. 1948 йилда вилоят одлия бошлиғи чақириб, Тошкентдаги икки йиллик юридик мактабга ўқишга юбордилар. Иқтисодий томондан қийналган бўлсада, шу ўқишга боришга ахд қилдим.

Шундай қилиб, 1950 йилда юридик мактабни муваффақият билан битириб, Бухоро вилояти одлия бўлимига ишга келдим. Кейин вилоят прокурори Холмирозавнинг таклифи билан прокуратурасига ишга ўтдим.

Менга ишончлири яхши бўлди. Тергов ишларини олиб боришда Маматжон Исмили бери йўғит ўз ёрдамини аямасди. 2-3 ойдан кейин Вобкент туман прокуратурасига терговчи қилиб тайинландилар.

Эртасига прокурор чақириб 3-4 та ревизия материалларини менга топшириб, танишиб чиқиб, батафсил айтиб берасиз, деди. Мен танишиб чиқиб, шу ревизия

материалларидан икkitаси бўйича жиноят иши кўзгоб, тергов қилса бўлади, қолганини ёрдамчига бериш лозим, текширсин, қайта ревизия қилишга тўри келади, дедим. Прокурор мени синаш учун шу ишни бергандек кўринди. Кейин, менинг ҳам фикрим шундай эди, деди. Икkitа материалдан бири туманинг ревизия материаллари, иккинчиси колхознинг ревизия материаллари эди. Икkitасида ҳам катта сумма қамомат аниқланган. Мен терговни бошладим.

Ҳаётда инсон қайси мансабда ва қайси ҳунар билан машғул бўлмасин, қўлидан келгунча қўлаб шогирдлар тарбиялаши керак. Чунки шу тарбиялаган шогирдлари ўзининг туғишган болаларидек доимо ҳурмат-иззат қилиб юради.

Шундай қилиб, 35 йиллик иш фаолиятимда 45 дан ортиқ шогирдлар етиштирдим. Уларга қўлдан келганча иш ўргатдим. Шогирдларимнинг ҳаётда қокимай ёруғ юз билан ишлаб юрганлиги мен учун катта бахтдир.

Жамиятимизда кимки, қайси ишда бўлмасин ҳалол-покиза меҳнат қилса, адолат юзасидан иш кўрса, халқ хизматида бўлса, давлатнинг топширган ишига юракдан берилиб ишласа, ишда ўзини кўрсатса давлатимиз муносиб тақдирлайди.

Мана, бу йил мустақил бўлганимизнинг 8-йиллини нишонлаймиш, - дея таъкидлайди сўхбатдошимиз, - ҳақиқатан бахт куши Президентимизнинг бошига қўнган экан. Ватанимизни дунёга танитишда катта хизматлар қилди. У кишининг сўзлари билан айтганда, Ўзбекистон яқин йилларда буюк давлатга айланишини кўз олдимизга келтирсак бўлади.

Сўхбатдош: М.БОЛЛИЕВА.

• **Ёдном**

Яхшилар ёди ҳамisha кўнгилашга ўзгача тароват бахш этиб келган. Уларни эслаш, хизматларини қадрлаш эса биз учун фарздор.

Таникли ҳуқуқшунос Анвар Юсупов ҳақида гап кетганда, киши кўз ўнгида салимий инсон сиймоси гавдаланади.

Анвар Юсупов 1938 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Табиатан тиниб-тинчимас, ҳақиқат учун

- Болаларим, ҳалол бўлинглар, - дея кўп уқтирдилар, - эслайди Галина ая. - Уларни ҳам бунга қатий амал қилардилар. Мана, шу соҳада 35 йил ишлаган бўлсалар, бирон кишининг Анвар акадан норози бўлганлигини эшитманман.

Ҳаёт қарама-қаршиликлардан иборат. Орзулар бор экан, армон ҳам ҳар доим унга соя бўлиб юради. Анвар аканинг

**ЯКШАНБАСИЗ
КУНЛАРНИНГ
БИРИДА...**

курашчи бўлиб улғайган ёш Анвар ҳуқуқшунослик касбини танлайди. Урта мактабни тугатгач, ҳужжатларини Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига топширади. Икки йиллик омадсизлик ҳам уни бу аҳиддан қайтаролмайди. Анвар учинчи йил деганда ўқишга кирди.

1963 йилдан Анвар Юсуповнинг иш фаолияти бошланади. Дастлаб, Яққабғ туман прокуратурасида иш ўрганувчи, терговчи бўлиб ишлагач, сўнгра вилоят ҳамда Қасби, Қосон, Қарши туманлари прокуратураларида ишлади. Умрининг сўнги даври эса Қарши шаҳар прокуратурасида кечди.

Ўз касбининг билимдони, меҳнатсевор Анвар ака ҳам ишда, ҳам оилада маслаҳатгўй ва барчага меҳрибон инсон эди. Турмуш ўртоғи Галина ая билан 35 йил фаровон умр кечириб, 6 ўглини оқ ювиб-оқ тараб вояга етказишди.

(Давоми 6-бетда).

ни тасаввур қилмоқчи бўламан; ҳаёлан ўзимни онам ўрнига кўйганимда юрагим қанидан чиқар даражада гупирилоб уради. Мана, ўша хатдан сатрлар: «Ойижоним, не-не кунларни бошимдан кечирмадим. Ҳозир биз Ленинградда химия қилаётимиз. Россиялик қилаялман. Оллоҳ-таоло мени омон сақлади. Минглаб одамлар қирилиб кетган бир чоқдо худо мени осроди - неча-неча ўлимдан қолдим.

Сизлар қандай яшаяпсиз - билгим келади. Авадгайди нон ва сувми? Бу ерда инсон яшашини мумкин эмас. Теварак-атроф ботқоқ. Ҳеч қандай мева ёки озиқли нарса йўқ. Фақат аскар чидашга мажбур бу кунга - ботқоқдан чиқмайди. Фашистлар билан юзма-юз уришдик. Кичик гавдам билан ботқоқда танк чўқур қилиб қолдириб кетган изда ётиб олиб тирик қолдим. Бу ҳам менинг бахтимдир, балки, бир кун эсдан чиқиб кетар. Рўзгордан қийнаётгирисизлар, биламан, ҳаётингиз оғир. Аммо тинч Тошкент жоннатидир.

Ақамнинг «Дахшати кеча» деб сарлавҳа қўйиб ёзган хатларида қуйидаги сатрлар бор: «Синавин ўрмонларидаги жонда бетўхтов ёғдирилган ўқ ва снарядлар ёмири остида қолган ўрмондаги дарахтлар пичоқ билан узилгандек учиб ту-шар, юзларча ёра-дорлар ботқоққа ботиб, қонга беланган, беҳол гавдасини ботқоқдан кўтариб

ололмай, ўз тилида: «Онажон», дея ёрдамсиз инграб ётарди. Минглаб тенгдош-ларим азасиз кўриб юборилди. Инсон даҳаси қашқатан техника шу инсоннинг ўзига қирон келти-рарди...» Бу мактубдан ақамнинг 1943 йил 23 январидан ана шу Синавин тепловлиги учун бўлган жонига жароҳатланганини бил-дим. 20 ёшга қирган ақам бери йил-ўн икки ой жанг майдонида жон олиб, жон берганлар. Ҳар қуни тенгдошларининг ўлимининг кўрвериб, дунёга келганларига неча-неча бор пушаймон еган-дирлар, шўрлик ақаминам...

1943 йилнинг 5 февралдаги мактубда ақам чап билакларидан яраланганларини ёзганлар...

Ақамлардан келган хатларни 50 йил мобайнида неча-неча марта ўқиб чиққанман - ҳаммаси ёд бўлиб кетган. Лекин барибир, 133 мактуб сақланган бу папкани тез-тез олиб, мактубларни қайта-қайта ўқийман. «Ҳар дақиқа неча-неча улим кутади, ҳар биримизни» қоби сатрлар қалбини ўртаяди. Ва мен бундан 55 йил муқодам Ленинград остонасида ҳалок бўлган, қафансиз ва бежаноза кетган ақам Аҳмадхон Аҳроровга яна аза тутаман. Қалб жароҳати эскирмас экан.

1943 йилнинг 27 апрелида ёзилган мактубда ҳам ақам Репин синигари расом бўлишини орзу қиладилар, бўш қолди дегунча расм чизоётганлари, мошқин тўхтаётганларини тўқитилганини ёздилар. Эсимда, урушгача ҳам ҳовода мошқидек олоқ, паға бўлуплар пайдо бўлди, дегунча

акварелларини кўтариб, ҳовлига югуриб чиқардилар. Қайси ошналари эшикдан йўқлаб келиб қолса борми, дарҳол ўтқозиб, портретни чиза бошлардилар. Бу хатда ақам яна оғир кунларга дош берганларини, энди у кунлар қайтмаслигини, эсон-омон дийдор кўришиш насиб этишини яратгандан тилайдилар.

Ақамнинг кўпчилик хатларида тез-тез учрайдиган жумлани ҳар ўқиганимда юрагим увишоди: «Онам қайтсам, ҳеч қачон бу ерларга келмайман...» Ақамнинг бошқа мактубларидаги сатрлар бунинг сабабини очиб беради. Қуйидаги мактубларда келтирилётган сатрлар 1943 йил августидан йил охиригача битилган.

«...Бу ерларда биз инсон қони билан бўялган ботқоқ кенганимиз-кечган. Яна худди шу сувдан ичамиз. Бу ерларда ўсган гулларнинг ҳиди йўқ, ҳаво ҳар доим қулранг тусда, нам - зах. Ёзинг қишин ёлғинорчилик, ҳеч қандай мева йўқ. Тошкентнинг чангига ҳам айланишман. Тошкент - жаннат...»

«...Икки йилдан бери уруш-доман. Ўқ ва бомбалар ёмири остида гоҳ отиб, гоҳ маймундай биқиниб юрдик, қандаек келадиган чивинлар қонимни сўрди. Саккиз марта жанга кирдим. Оқ-ноласи қўни тўтиб, у дунёга кетанлар сонсиз-саноксиз. Фашистлар подшоҳ Пётр I қурган шаҳарнинг абжонини чиқаришди. Одамлари бир тишлан қаттиқ нонга зор...»

Яна шу йил 1 августда ёзган бошқа хатда: «...Ленинград

областида одамлар аҳволи ёмон, оғир ҳаёт кечиради. Тошкент ҳали ҳам бўлса, жаннат. Яшаш мумкин. Хамманинг оғизда Тошкент...»

Худди шу йилнинг 18 августидан хатда эса: «Тез-тез хат ёзинглар. Хатингиз автомат очереда қоби бўлсин...» - десалар, хат сўнгида: « тез-тез хат ёзингиз, пишите часто» - дея илтижо қиладилар.

Биз эса жуда кўп хат ёзардик, бир қунда қаммада тўрта хат юборардик жанггоҳга. Уруш кетаётган ўша оғир йилларда собик СССРнинг алоҳа идоралари яхши ишларди, узони билан 20 кунда хат етиб келарди. Жанггоҳга йўлланган ва у ердан келган хатлар қалбларни бир-бирига улаган ришталар...

1943 йил 31 август тунда ёзилган хатда қуйидаги сатрлар бор: «... Мен ҳозир фронт яқинидаман. Биз қўнпаякун бўлиб ўрмонга қўшилиб кетган қишлоқда бўлдик. Одам зотидан асар йўқ... Мен яна жангга қираман... Тошкентдаги жаннат шаҳар дунёда йўқ...» Ваҳоланки, ақам Тошкентдалик чоғида ҳам ҳоҳимизни осон кечмаган. Ўз хатларида ёзганларидек, уруш бошлангач тошкентликларнинг ҳам қуни нон ва сувга қолган эди. Бизнинг оила ҳам бундан мустасно эмасди. Лекин, ҳар қалай Тошкент ақам айтгандай жаннат. Тошкентда тепандан бомба ёғилмайди, сени пойлаб ўқ узмойдилар. Оч бўлсанг ҳам,

(Давоми 6-бетда).

• **Эҳтиром**

Абдуқодир Қаримбердиев, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси:

**БИЗНИ
ҚАДРЛАГАНЛАРИ...**

Ҳозирги Гулистон шаҳрининг Янгиовул қишлоқ кенгаши қотиби вазифасида ишлаб юрган кезларим. Фикру ҳаёлим ўқишда. Интилишларим эса кетмади. Та-лобалик насиб этди.

1950 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тугатгач, Самарқанд вилоят прокуратурасида иш бошладим. Қатор йиллар Оқдарё, Ургут туманлари прокурори, Каттакўрган туманларо прокурори вазифаларида ишладим. Кейин Республика прокуратурасига ишга чақиритишди. Шу билан, сочларимга оқ оралоганини ҳам сезмай қолибман.

Фарзандлар бахтини кўриш биз оталар учун нақадар бахт. Тўнғич ўғлим пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги йирик заводлардан бирига раҳбарлик қилади. Рустан ва Расулжонлар тақдирларини менинг касбим билан боғлашган. Равашон ўғлим ўқитувчи.

Шу йил 9 май илк марта Хотира ва Қадрлар кўни сифатида нишонланди. Менимча, байрамнинг мазмуну, моҳияти бу билан янада орди. Оддийгина қадрлаш инсон учун қанчалик аҳамиятга эга, ахир.

Хуллас, бизни қадрлаганларни - яратган қадрласин!

• **Ёдинома**

Камтарин, хушфелъ инсон Бозорой Аҳмедова ўзидан яхши хотира қолдирди. Қорақалпоғистон Республикасининг олдинги пойтахти Тўрткўл шаҳрида 1913 йили Таваллуд топган опанинг болалик йиллари серташвиш даврга тўғри келди. У эсини тўла танимасданоқ оила бошлиғи - отаси Ережеп ҳаётдан кўз юмди. Беш кишилик рўзгор юқини тортиш ёлғиз онасининг зиммасига тушди. Оилани тебратиш учун олдинга тикувчилик қилиб, хусусий бўйртмалар бажарган онаси, кейинроқ янги ташкил этилган «Куспром» бирлашмасида ёлғизликни бошлади. Ёйиш-ичишдан орттириб, фарзандларига билим беришга интилди. Бозорой дастлаб ўрта мактабни, сўнгра ўқитувчилар тайёрлаш билим юртини тамомлади. Ишга кириб, баҳоли қудрат оила боқишга ёрдам бера бошлади. Маориф халқ комиссарлигида саморали меҳнат қилди. Кейинчалик Тўрткўл шаҳар прокуратурасига ишга ўтди.

40-йилларнинг бошларида Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нўкусга кўчди. Бозорой ҳам прокуратура билан янги шаҳарга кўчиб келди. Юлғунзорларни оролаб, ўтган сўқмоқ йўлдан ишга қатнаш бошлади. Озгина шомол эсса, чанг-тўзон кўтарилиб турган шаҳарда ҳаёт бироз мураккаб кечарди.

Маҳаллий аҳолидан етишиб чиққан қорақалпоқ қизи Бозорой Аҳмедова ана шу шаҳар билан бирга ўсиб ўлғайди. Шаҳардаги хар бир иморат, хар бир кўча-ю хиёбон унинг кўз олдида бунёд бўлди. Тенгдошлари қатори қанчадан-қанча шанбалек ва яқшанбалекларда қатнашган

Бозорой кадрдон юртига меҳнатли синганидан фахрланиб юрди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёрдамчиси лавозимида ишлаётган Бозорой Аҳмедова 1946 йили Тошкент прокурор ходимлари тайёрлаш мактабида таҳсил олди, сўнгра ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тугатди. Москвада 1 йиллик ҳуқуқшунослар малакасини ошириш курсида ҳам таълим олиб қайтди.

Бой тажриба ва билим унга кўп марта асқотди. У умрининг охиригача ўзи танлаган касбга

таъминлашга бахшида қилган зукко аёл эди. 1975 йилда нафақага чиқсада, ҳуқуқшунос касби сир-асроллари ни ёшларга ўргатиб, ўзининг пандна-сиҳатларини аямай келди. Бугун биз Бозорой Аҳмедованинг парлоқ хотираси олдида бош эгиб, унинг

ПРОКУРОР ОПА

содиқ қолиб, ўнлаб Қорақалпоқ йигит-қизларига ҳуқуқшунос касби масъулиятини ўргатди. У тажрибали ва билимли ходим сифатида қонунчилик талабларини дадил ҳимоя қилди. Республика прокурори ёрдамчиси сифатида ташкилий тadbирларда фаол иштирок этарди.

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Бозорой Аҳмедова 2 та фарзанд ва 6 нафар неварони тарбиялаб, қамолга етказди. Ўзидан муносиб ёдгорлик қолдирди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х.Халимов: - «Бозорой опа бугун орамизда йўқ. У бутун умрини қонунчиликка, унинг устувор йўлини

қилган беназир хизматларини бир-бир эслаймиз. У экиб кетган ниҳолларнинг бугун мевасини кўриб қувонамиз».

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг қатта ёрдамчиси Г.Бобонова: - «Бозорой опанинг инсоний фазилатларини бирма-бир санаб адоғига етиш қийин. У киши ўта талабчан, ёшларга меҳрибон устоз эди. Биз шоғирдлар бугун унинг номини фахр билан тилга олиб, хотираси олдида чуқур таъзим бажо келтираемиз. Бозорой опа ўзи билган нарса ни ёшларга кўнгил билан ўргатишдан ҳеч қоникмас, эринмасдан тушунтириб, қонунчиликнинг ўта нозик томонларини эътибордан қочирмасликни қайта-қайта таъкидларди. Бой тажриба, масъулият, ишонч ва лафзи ҳалоллик унинг асосий ҳаёт мезони эди.



Оқсоқаллар кўрт фаҳри.

Биз ёшлар опадан ана шу ажойиб хислатларни ўргандик».

Ҳа, касбдошлари таъкидлаганидек, опа ўзига ва атрофдагиларга ўта талабчан, хозиржавоб ва сўзида қатъий турадиган аёл бўлган. Унинг Нўкус суди томонидан фуқаро К.Тулпеновни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ўғилчаси Алибекни ўзгалар тарбиясига топшириш ҳақидаги қарорини ўзгартирилганини касбдошлари ҳали-ҳануз эслаб юрадilar. Суд болани асраб олувчининг моддий шароитини аниқламагани, устига-устак, боланинг мойиллиги текшириб кўрилмаганлигини назардан қочирган эди. Иш материалларида гувоҳликлар ҳам етarli бўлмади. Бозорой Аҳмедованинг қатъийлиги тўғриси, суд ўз қарорини ўзгартирди.

Ушундай қатъиятли, қонунга бўйсунувчи ажойиб инсон бўлган. Бундай юртдошларимизнинг хотираси мангу қалбимизда сақланади.

Аминбой ОРТИҚБОВ,
ўз муҳбиримиз.

ЯҚШАНБАСИЗ КУНЛАРНИНГ БИРИДА...

(Бошланғичи 5-бетда).

Вилоят прокурорининг қатта ёрдамчиси Давуд Мадиев шундай хотирлайди:

- Анвар ака «мен ҳақимда очерк ёзмайсизми?» деб кўп ҳазиллашиб юрардилар. Уларнинг ҳазилларини чинга олиб, бир қуни мақола ёзишга жазм этдим. Мақоламини бошлаб кўйдим, аммо тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун у киши билан сира суҳбатлаша олмадик. Энг армон қиладиган томони шундаки, олтинчи ёшлик юбилйга аталган «Анвар нур демокдир» мақоласи шу кўйи қолиб кетди. Мен ҳам у кишининг олдида ўзимни қарздор, деб биламан...

Анвар Юсупов ҳаётининг сўнгги йиллари Қарши шаҳар прокуратурасида ўтди. У киши билан 4 йил бирга ишлаган Одил Амirkуллов шундай хотирлайди:

- Анвар акада мураббийлик хислати кучли эди. У кишини жиноятларни фош этишда менга йўл-йўриқ кўрсатган устоз, десам арзийди, - дейди меҳнат фахрийси Жамол Саидхонов. - Жамолжон, биз халқимиз учун хизмат қилишимиз керак, деган гапни кўп бор тасрирлар эди. Бундай ҳалол, оқил сафдошдан айрилиш нақадор оғир...

Анвар ака ҳақида гапириш мен учун оғир. Сабоби, у киши сўнгги кунларига менга ҳам-фикр, маслаҳат эдилар. Анвар акадек меҳнатқош, ўз ишига ўта талабчан юрст қамдан-қам тапилади. У киши давлат манфаатини ўз манфаатларидан устун кўя олган инсон эдилар.

Ишга шунчалик меҳр қўйган эдиларки, ҳатто дам олиш кунлари ҳам у кишини шаҳар прокуратурасида, иш устида кўришингиз мумкин эди.

Вафот этган кунларини эсласам, тўлқинланиб кетаман. Ушанда ҳам яқшанба эди. Соғликлари бироз ёмонлашган, ишхонага кўнгирак қилиб, «Одил Асомовичга айтиб қўйинлар, бугун бироз тобим йўқлиги учун ишга чиқолмадим», деган экилар. Қаранг, яқшанба кунга-я! Биз, шоғирдлари ўшанда яқшанбасиз кўнгилдан бирда Анвар акадан ажратиб қоламиз, деб ҳеч ўйламаган эдик.

Халқимизда «От ўрнини той босар» деган яхши гап бор. Анвар аканинг ўғилларидан бири Аҳмаджон ота қабилани - юрстлигини танлади. Демак, энди Анвар ака ҳаёти, фаолияти дўстлари, шоғирдлари ва фарзандлари ишида йиллар оша давом этаверади.

Абдуразақ Муродов,
«Адолат кучи»
газетасининг ходими.

(Бошланғичи 4-5-бетларда).

хар ҳолда бироз нон ва тўйғунинча покиза сув бор. Қолаверса, ёзда боғларимизда ширин-ёшар меваларимиз, қишда эса туршак, майизларимиз жонга оро қириди... Раҳматли бувим Ойтураҳон отининг сўзларини эслайман: «Худого шукр, тут пишигага етиб олдик, у ёнига ҳеч қим очинд йўлмайди. Биринкетин мевалар шарбатга тўлади», - дегувчи эдилар.

1943 йил сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь ойлариде ёзган мактублариде оила аъзоларидан ташқари, тоғаларимиз, янгаларимиз, ҳоламиз ва уларнинг фарзандларига ҳам саломлар йўллайдилар, менинг ўрнимга уларни суйиб-эркалаб қўйинлар, деб сўрайдилар. Волхов дарёси бўйида изиллатиб турган совуқда жангдан чиқиб, ой, баъзида эса ракета ёруғида хат битадилар.

Акамдан келган мактублар... Улар орасида фронтда, нечанеча ўлимлардан қолиб, эсон-омон жангдан чиққач, қисқа ҳордик онлари бизларни соғиниб, дийдор кўришишга интиқ бўлиб, хаёлан эслаб туриб онажонимизни, мени ва укаларимнинг суратини чизиб юбардилар. Ушо суратлар ҳамон бор, уларни ярим асрдан бери акамдан қолган ёдгорлик сифатида сақлаб келаман.

20.11.43й. «...Қор бўралапти. Ботқоқликлар яхлай бошлади - юришига қўлай.

Энди лижаларда жангга киримиз...»

31.12.43 й. «...Қўлим илгаригинча покиза сув бор. Қолаверса, ёзда боғларимизда ширин-ёшар меваларимиз, қишда эса туршак, майизларимиз жонга оро қириди... Раҳматли бувим Ойтураҳон отининг сўзларини эслайман: «Худого шукр, тут пишигага етиб олдик, у ёнига ҳеч қим очинд йўлмайди. Биринкетин мевалар шарбатга тўлади», - дегувчи эдилар.

17.12.43 й. «...Тушимда жаннатмакан Тошкентда эмишман. Қани энди, бу ўнг бўлса эди. Бундай кунни сабрсизлик билан кутаман. Эрталабки замбараклар отишмасидан уйғондим...»

18.12.43 й. «...Қимматли Холидохон! Сенинг суратингни юбордим. Мени сўраганларга салом айт. Қимматли укам Холидохон, сенга ишонаман. Ракета ёриғида ёздим...»

24.12.43 й. «...Кенгашининг синфи бекилибди. Зарарсиз, ишга кирсин. Бу ерда кичик болалар ишлапти. Ишдан кўркмасин...» Бу сатрларни ўқирканман, дарров эсимга келади. Уруш йиллари юқори синфлар берклиб, болалар заводга ишга кетган. Укам Кенгашином ҳам нон қарточкасига эга бўлиш ниятида заводга ишга кирган эди...

Яна бир мактуб. 31.12.43 й. «...Сизлар ёзган мактубни олдим. Жуда севиным. Хат фронт учун - бахтли урашувдир...» Файласофна фикрлайди йигирма ёшли акам.

Акамдан келган хатлар орасида 1944 йилнинг 2 январиде акамга ёзган хатим ҳам бор. Бу хат фронтга бориб, акам қўлига теғмай қайтиб келган.

1944 йил январининг сўнгги кунлари эди. Онамнинг йўлаб ўтирганлари устига келиб қолдим. Акамнинг 1944 йил 9 январиде

Волхов фронтдан ёзган хатларида: «Онам менга оқ кўйлакка тугма ўрнига оқ боғич тикиб берибдилар. Мен хафа бўлибман...» - деган сатрларни ўқибдилар. «Тўша нима кирмайди, онажон. Бу ахир туш-кўй» дейишимга қарамай, фарёдлари кўкка ўрлади: «Тўшасиз кўйлак - бу кафан... Тўшига кафани кирибди, боламнинг...» - дея сира таскин топмадилар.

Акам ҳақиқатан истеъодли рассом эди. Биз-ку, бола эдик, бу нарсаларни унчалик тушуниб етмасдик, аммо баъзи бўлиб ўтган воқеалардан хулоса чиқариб айтаман буни. 1942 йилда рассомлик билим юртини аъло даражада битирганларни Москва ва Ленинградга юбориди. Талабалар шу шаҳарлардаги Третков галереяси ва эрмитажда бўлиб, жаҳон санъати ва маданияти дурдоналари билан танишмоғи лозим эди. Талабалар Москва музейларида, Третков галереясида бўлишган, аммо Ленинградга ўтиш уларга насиб этмаган. Уруш бошланиб қолган ва талабалар Тошкентга қайтганлар. Акам неча-неча хатларида Ленинград музейларини томоша қилиш эмас, уни мудофаа қилиш уларга насиб этганини ёзганлар.

Рассомлар билим юртининг ўқитувчиси Павел Петрович Бенков акамнинг иходига қатта баҳо берав ва уруш тугагач, ўзи билан Ленинградга олиб кетажогини, рассомлик академиясида ўқитишини айтарди. Акамнинг истеъоди ҳақида менга 50-йиллардо таниқил рассом Раҳим

Аҳмедов ҳам сўзлаб берганлар: «Акам Аҳмад Аҳроров зўр рассом эди. Агар у ҳаёт бўлса эди, республикамизнинг фахри бўлар эди. Унга етар рассом бўлмасди. Эссиз, ёш кетди, увол кетди, унинг истеъоди».

Акам фронтга кетгач, икки ҳафта ўтар-ўтмас, эндигина 36 ёшга кирган онам ётиб қолдилар. Ушанда онам дардаг чалиндилар-у, қайтиб турмадилар. Ҳа, қайтиб ўнганмодилар, онаганим. Шўрлик онам, бахтиқаро онажоним...

Улганлар қаримайди. Акам менинг набирам ёшида хамиса қопади - унинг доғи хамиса лаҳча чўғ бўлиб қалбимни ёндириб, жизиллатиб, ковуриб, азоб беради. Бу азобдан қутулур кун йўқ, бу алам энди мен билан кетади...

Лекин бу оламда одам боласи борки, беиз кетмайди. Аҳмаджон акам оила қуриб улгурмаган, ундан зурриёд қолмаган бўлса-да, лекин бугун хонадонимизда унинг давомчилари бор: ўғлим Хуршидон ва қизим Нодирахонлар мусаввир. Оилада рассом тоғаси ҳақидаги хотиралар улр қалбиде мўйқаламга муҳаббат пайде қилган бўлса, ажабмас. От босмаган жойларни тойлар боссин, тоғаси етмаган юксокликлар жияларига насиб этсин. Тасвирий санъат оламида кўплар буни истеъодли рассом, дейишади. Хуршидоннинг ишини давом эттироётган набирам Нурхон Зиёхонова акам ва ўғлим изидан борапти. Демак, ҳаёт давом этапти.

• Ёшлар ва қонуни

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

ШУ НОМДА РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА ЎТКАЗИЛГАН КЎРИК-ТАНЛОВ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Инсоният яралибдики, қонулар мавжуд. Бу қонулар бизга бир талай ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга зиммамизга масъулият ҳам юклайди. Қонуларга риоя қилиш учун эса уларни яхши билишимиз лозим. Кейинги пайтда мамлакатимизда бир қатор тадбирлар уюштирилмокдади, уларни ҳуқуқий демократик жаҳат сари қўйлаётган ҳаёлий қадамлардан дейиш мумкин.

Шулардан бири Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» жамоаси, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Урта махсус касб-хунар таълими маркази ва республика телерадиокомпанияси ҳамкорликда ўтказоётган «Сиз қонуни биласизми?» деб номланган кўрик-танловдир.

29-30 апрел кунлари ТошДУ маданият саройи республикамиз мактаблари, лицей ва гимназияларида таълим олаётган иқтидорли ўқувчилар билан говжум бўлди. Бу ерда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 14 жамоа иштирокчида кўрик танловнинг якуновчи босқичи бўлиб ўтди. Танловда Нукус давлат университети қошидаги академик лицей талабаларининг «Умой»

жамоаси 239 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин 222 тадан балл тўплаган Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги 13-мактабнинг «Қонун» ҳамда Андижон вилоятдан ташриф буюрган «Адолат» жамоаси аъзоларига насиб этди. Учинчи ўринни 217 тадан балл тўплаган муваффақ бўлган Навоий вилоятининг «Адолат», Сирдарё вилоятининг «Қонун» ва Хоразм вилоятининг «Истиқлол» жамоалари банд этдилар. Танлов якунида ғолибларга 1-2-3-даражали дипломлар ва борча 14 жамоа аъзоларига ҳомиёларнинг махсус кимматбаҳо совғалари топширилди.

Мухбиримиз танлов иштирокчиларига бир неча савол билан мурожаат қилди:

- **Танловда фахрли биринчи ўринни қўлга киритдингиз. Бунга эришиш осон бўлмагандир?**



Суратда: Танлов театрлаштирилган чиқишларга бай бўлди. А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

Роза Худойберганаева, «Хум-ой» жамоаси сардори, Қорақалпоғистон:

- Албатта, чунки бу ерда вилоятларнинг энг кучли жамоалари йиғилган эди. Уларни камситмаган ҳолда айтишим мумкинки, биз бу танловга ниҳоятда жиддий тайёргарлик кўрдик. Ҳуқуқ йили бошидан раҳбарият томонидан жамоага алоҳида репетиторлар тайинланди. Мана, кўриб турибсиз, меҳнатимиз зое кетмади.

- **Ўтган йили самарқандликлар танловда биринчи ўринни олган эдилар. Вилоят жамоаси бу йил иккинчи ўрин билан қийоғланди. Бунга қандай изоҳлайсиз?**

Анварга Хусейнова, Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманидаги 13-мактаб директори, «Қонун» жамоаси раҳбари:

- Ҳуқуқчиларимиз танловнинг якуновчи республика босқичида биринчи марта қатнашдилар. Шунданми, бир оз ҳаяжонланишди. Умуман олганда, танловга бундан ҳам яхшироқ тайёрланиш кераклигини ҳис қилдик.

- **Айрим қатнашчилар ҳуқуқий билимлар бeллашувда жуда қийин, мураккаб саволлар берилди, демокдалар. Сиз нима дейсиз?**

Наргиза Рустамова, Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги 3-мактабнинг «Адолат» жамоаси сардори:

- Кимгадир қийин туюлган савол ким учундир осон бўлиши мумкин. Аслида танловнинг туман ва вилоят босқичларида ғолиб чиқиб, Тошкентга келган жамоа ҳақамаларинг ҳар қандай саволига тайёр бўлиши керак эди.

- **Шогирдларингиз совирили ўрини ололмадилар. Бундан хафта эмасми?**

Махбуба Тошматова, Фарғона шаҳридаги милиция генерал-майори Г.Закиров номи республика ҳуқуқ лицейининг «Ал-қону» жамоаси раҳбари:

- Спортчилар орасида олимпиадада қатнашнинг ўзи бахт, деган гап бор. Шунга ўхшаш, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳам катта гап.

Бозорбой УЛЛИБОБОВ,
«Хуқуқ» мухбири.

• Бу қанақаси?

Гулнора Ражабова Маҳмуд Ражабов билан бундан ўн йил аввал қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурган. Улар дастлаб қайнонасига тегишли ҳовли-жойда яшаганлар. Кейинчалик эса ҳўжайинининг номидаги ер участкасида ўзлари уй қуришган. Шу мақсадда халқ банкидан 8000 сўм қарз олишга ҳам мажбур бўлишган. Гулнора ҳамшира бўлиб ишлаш билан бирга, барча рўзгор юмушларига ҳам шерик бўлган.

Ражабовлар 1991 йилда янги иморатга кўчиб ўтишди. Йиллар ўтиши билан уч нафар фарзанд дунёга келди. Афсуски, ўзаро келишмовчиликлар туфайли оила барбод бўлди. 1997 йилда суд томонидан улар ўртасидаги қарз бекор қилинди. Бу ҳақда гапирверса гап қўп. Достон килиш мумкин. Аммо ҳозир гап бу ҳусусда эмас. Энди муддаога ўтсак.

Г.Ражабова оиласи бузилгач, собиқ турмуш ўртоғи билан биргаликда қўриб-яшаб келган Денов шаҳри Черникова кўчасидаги 14-уйни бўлиш ҳақида давво аризаси билан судга мурожаат қилади. Уни Денов шаҳор суди қўриб, даввои қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради. Бироқ, вилоят судининг фуқаролик ишлари судлов хайъати ҳар хил важдлар билан уни бекор қилади. Мазкур фуқаролик иши 1998 йил 10 декабр куни Денов туман

КИМ ИЖРО ЭТАДИ?

суди томонидан қайта қўриб чиқилади. Ва яна даввогар Гулнора Ражабованинг жавобгар Маҳмуд Ражабовга нисбатан «Ўйни бўлиш ҳақидаги» даввосини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди. Аммо жавобгар томонининг қарши даввоси асосида иш иккинчи марта вилоят суди фуқаролик судлов хайъатида қўрилади. Унда Денов туман судининг ҳал қилув қарорини ўзинбосари қолдириш хусусида АЖРИМ чиқарилган.

Ниҳоят, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирди. Шу йилнинг 19 феврал куни уни ижро этиш ҳақида Денов туман суди раиси У.Давронов ва бошқа тегишли томонлар номига махсус хат та тайёрланган. Унга вилоят суди раиси қарорини ўзинбосари жаноб Х.Тоғаев имзо чеккан.

«Охир-оқибатда иш қонуний ҳал этилибди-да. Э, ҳудого шукур», дерсиз. Йўқ, биродар. Бир оз шошмонг. Минг афсуски, ана шу ҳал қилув қарорини ижро этиш негадир пайсалга солинапти.

Шўрлик даввогар яна бўзчининг моқисидек, идорама-ндора қатнагани-қатнаган. Жаноб Давронов эса сира пинагини бузмайди.

- Хали «Фуқаролик иш»ни олганимиз йўқ, - дейди у.

- Шунча овра бўлганим қаммиди? - фигони кўкка чиқади Г.Ражабованинг. - Наҳотки бу «иш» ўлгур Термиздан Деновгача икки ойда ҳам етиб келмаса?!

Топнинг очиги, бу жумбоққа биз ҳам тушунмадик. Туман суди томонидан ҳал қилув қарори чиқорилган, вилоят суди фуқаролик иш судлов хайъати уни ўзгартиришга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарган, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган бўлса-ю, нега уни ижро этиш резинкадек қўзйолопти? Бунга сабаб нима? Суд маҳамалари ўз қарорлари ижроси учун жон қуйдирмаса, ким қайғурди?

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» мухбири, Сурхондарё вилояти.

• Бу ҳақда юртбошимиз таъкидлаган эди

ВАГОНДАГИ БОЖХОНАЧИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фаолиятига танқидий баҳо берди. Юртбошимиз солиқ ва божхона ходимларининг олғирлик ҳамда таъмагирилик йўлига ўтиб, мансабини суиистеъмол қилаётганликлари ҳақида тўхталиб, хусусан шундай деди: «...божхона ходимлари Б.Абдуллаев ва Р.Божоновлар 1998 йилнинг 21 октябрида «Тошкент-Волгаград» поездда йўловчиларнинг юкларини божхона кўригидан ўтказмаслик эвазига 6 минг сўм пора олаётган пайтида ушланиб, хибсга олинган».

Мухбиримиз Оролбўйи транспорт прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси Р.Содиқов билан учрашиб, ҳолатни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

- Инсоннинг виждон аталмиш қалб кўзгусига дарз кетса, нафс ботқоғига ботиб фарқ бўлиши мумкин. Шубҳасиз, 10-сон «Емирий» божхона масканида хизмат қилаётган Бекбергун Абдуллоев ва Равшан Божоновларга мансаб лиллобосини ўзларининг нафсини қондириш манбаи, деб билганликлари қимматга тушди. Ишмат муддатини ўтаб ўйларига қайтаётган бу «шоввоз»лар Туркмианстон Республикасининг Газочак шўхбекатидан 257-«Тошкент-Волгаград» йўналиши бўйича қатнайдиغان йўловчи поездига чиқиди.

Манзилга етиб олгунча қараб ўтирмайлик, деб, хизмат мавқеи-

дан фойдаланмокчи бўладилар. Анча-мунча «пул ишлаб» олишни ният қилган божхоначилар, елка-сидига мундирларини пеш қилишиб, 4-вагонда Қозғистоннинг Бейнеу шахрига кетаётган йўловчилар - Ерпўлат Жалғасбоев ҳамда Сахий Медирбоевларнинг ҳужжатларини олиб қўйишди. Йўловчилардан олиб кетаётган юкларини нозорат қилмай ўтказиб юбориш шарти билан 2 минг сўм пора талаб қилишди. Акс ҳолда, новбатдаги бекатда юкларни тушириб қолдирамиз, деб дўқ қилишди. Пулни олгач эса, ҳужжатларни қайтариб беришди.

«Ови» бароридан келган йиғитлар биринчи «ўлжа»ни хамирдан

қил сугўргандек силлиқ қўлга киритганликларидан руҳланиб, янада каттароқ «даромод» топиш илнжиди 5-вагонга ўтишди. Бу ерда вагон кузатувчиси Олимжон Абдухалиқовга «вагонга божхона кўригидан ўтмаган юкларни ортиб кетаяпсизлар, мабодо келишмасак, сени ва юк эгаларини Урганч шўхбекатида тушириб қолдирамиз», дея пўпаса қилишди.

Икки ўртада «келишув» бошланди. Ишни босди-босди қилиш учун 6 минг сўм талаб қилган божхоначилар жиноят устида қўлга тушдилар. Жигилдон дардида қинғир ишга қўл урган бу олғирлар тумшугидан илиндилар: уларнинг ҳар бири одил суд томонидан олти йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Божхона ходими деганда қонунбузорларга қарши қурашувчи инсонни кўз олдимизга келтирмиш. Юқоридаги ҳолат эса бундай табарруқ даргоҳга баъзи нопок, тасодифий химсалар ҳам сўқилиб кириб олганликларини кўрсатди. Сафларимизни ўз шахсий монфаатларини қўлайидиган бундай шахслардан тазалаш учун қураш довои этмокда. Зеро, қонун барчага баробардир.

А.ОРТИҚБОЕВ, «Хуқуқ» мухбири.

ПУЛ ТОПИБ, ЯҚЛ ТОПМАГАН

Газетада эълон қилинган мақолаларим учун чиққан қалам ҳақини олиб, пойтахтимизнинг «Амир Темур» шўхбекатига келсам, машҳур «Квартира бозори» ёнида ўймалашиб турган одамларга кўзим тушди. Яқинроқ бориб қарасам, тўрт киши икки тахтада шахмат ўйнаётган экан. Қолганлар томошабин. 50-55 ёшлардаги, маҳоркани паровоздай тутатаётган амаки ҳаш-паш дегунча рақибини таслим қилди. Шунда мен кутмаган ҳодиса юз берди: ютқизган киши чўнтагидан бир даста пул чиқариб, битта эллиптикнинг ғолибга тутқазди. Билдимки, пул тикиб ўйналар экан. Амаки донларни қайтадан териб қўйди-да, кейинги «қурбон»ни кута бошлади. Гап олмокчи бўлиб, унга яқинлашдим.

- Кел, 25 сўмдан ўйнаймиз, - деди у, - битта буханканинг пули эмас-у...

- Ўйинга киришдик.
- Исимиз нима?
- Слага.
- Болаларингиз борми?
- Ўн олтига болам бор.
- Нега йилдан бери шахмат ўйнайсиз?
- Бир йилу икки ойдан бери (қулади).
- Қунига қанча ишлайсиз?
- Уттиз беш миллион ва битта ноннинг пули...

Савол беришга ортиқ ҳафсалам қолмади. Бунинг устига қўпдан бери шахмат ўйнамаганим, алмашувда битта сипоҳ ютказиб қўйгач, сўхбатни ҳам, ўйинни ҳам шу ерда тўхтатиб, амакига 25 сўм узатдим. У донларни қайтадан терди-да, яна маҳорка ўраи бошлади. Ярим соатча кузатиб шунга амин бўлдимки, Слага амаки бир қунда тахминан 250 сўм ишлар экан. Бу бир ойда 7000-7500 сўм бўлади. Анқийтган вино ҳиди-ю, ҳумор ҳам қолайд қўзлар, қир-қир уст-бошга қараб ниманидир тушунгандай бўлдим.

Слага амакининг пул топиш усулини кимларгадир намуна қилиб кўрсатиш мумкиндир. Лекин унинг пул сарфлаш «санъати»... Буну ҳеч кимга тасвир этмайман.

Хасан НИШОНОВ.

